

УДК 378(575.1)

РЕСПУБЛИКА ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА РАҚОБАТБАРДОШ  
КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШНИНГ ҲОЗИРГИ ҲОЛАТИ:  
МУАММОЛАР ВА ЕЧИМЛАР

ТЕКУЩЕЕ СОСТОЯНИЕ ПОДГОТОВКИ КОНКУРЕНТОСПОСОБНЫХ  
КАДРОВ В ВЫСШИХ УЧЕБНЫХ ЗАВЕДЕНИЯХ  
РЕСПУБЛИКИ: ПРОБЛЕМЫ И РЕШЕНИЯ

TRAINING A COMPETITIVE PROFESSIONAL COMMUNITY AT HIGHER  
EDUCATIONAL INSTITUTIONS OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN – STATE  
OF THE ART: PROBLEMS AND SOLUTIONS

Адизов Санжар Рашидович

PhD, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги бош мутахассиси

**Аннотация.** Ушбу мақолада Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларидаги ҳолат, олий таълим муассасаларига боғлиқ бўлган ва боғлиқ бўлмаган камчиликлар, уларни бартараф этиши ҳамда кадрларни сифатли этиштириб бериши муаммолари акс эттирилган.

**Таянч тушунчалар:** таълим, халқаро стандартлар, ишга жойлаштириши, илмий салоҳият, меҳнат бозори.

**Аннотация.** На данном статье описываются состояние в высших учебно-образовательных заведениях в Республике Узбекистан, прямые и косвенные недостатки в высших учебных заведениях, устранение недостатков и проблемы при подготовке высококвалифицированных кадров.

**Ключевые слова:** образование, мировые стандарты, трудоустройства, научный потенциал, рынок труда.

**Annotation.** The article reviews the state-of-the-art of the Higher Educational Institutions in the Republic of Uzbekistan, drawbacks directly related and not related to the Higher Educational Institutions and ways of dealing with them. The problems of training of highly qualified personnel has been discussed as well.

**Key words:** education, international standards, employment, scientific potential, labour market.

Республика иқтисодиётининг барқарор ва жадал тараққиётини таъминлашда келажак учун кенг қамровли, оқилона асосланган устувор вазифалар ва йўналишлар, ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг режа ва дастурлари ишлаб чиқилмоқда. Мамлакатимизда шакллантирилаётган, кўпгина жабҳаларда чуқурлашиб бораётган янгича бозор муносабатлари узлуксиз таълим тизимига, шу жумладан, иқтидорли, ташаббускор юқори малакали кадрлар сони ва салоҳиятини оширишга хизмат қилаётган олий таълим муассасалари фао-

лиятига ҳам ўз таъсирини ўтказмоқда.

Ўзбекистон иқтисодиётини модернизациялаш ва диверсификациялаш даврида фуқаролар даромадлари, турмуш даражаси ва республикада ишлаб чиқарилаётган ялпи ички маҳсулот ҳажмини ошириш, натижада юртимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, халқимиз фаровонлигини юксалтириш мақсадида аҳоли бандлигини таъминлаш учун янги иш ўринлари яратиш, меҳнат шароитларини яхшилаш билан биргаликда меҳнат ресурслари интеллектуал салоҳиятини ошириш вазифала-

ри ҳам бугуннинг долзарб аҳамият касб этувчи масалалари қаторидан ўрин эгаллайди.

Ҳозирги глобаллашув ва тезкор ахборот алмашинуви шароитларида ҳар қандай ташкилот, корхона ва муассасанинг замон талабларига мос равишда ривожланиши ходимларнинг кенг дунёқараши ва масъулиятлилиги, энг муҳими, раҳбар ва жамоадаги юқори малакали кадрларнинг билими, кўникмаси, иқтидори, маънавияти, бошқарув қобилияти, илмий салоҳияти ва бошқа хусусиятларига бевосита боғлиқдир.

Олий таълим муассасаларида рақобатбардош, юқори малакали кадрлар тайёрлаш, улардан юртимиз осойишталиги ва ободлиги, халқимиз фаровонлиги йўлида мақсадли фойдаланиш қатъий рақобатга асосланган бозор иқтисодиётининг асосий талабларидан биридир. Чунки юқорида келтирилган глобал масалаларнинг ижобий ҳал этилишида мамлакатимизнинг улкан илмий, ижодий, интеллектуал ва меҳнат салоҳиятининг таркибий қисми бўлган, мустақиллик йилларидан ҳозирга қадар олий таълим муассасаларини битириб, меҳнат бозорида бозор иқтисодиёти талабларига амал қилиб, ташкилотларда самарали фаолият кўрсатиб келаётган юқори малакали кадрларнинг ўрни аҳамиятлидир.

Кейинги йилларда мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг устувор йўналишлари ҳамда халқаро стандартлар талабларига мос келадиган олий таълим тизимини яратиш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда [1]. Худудларда янги олий таълим муассасаларининг ташкил этилиши, кадрлар тайёрлашнинг замонавий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари ҳамда сиртқи ва кечки бўлимларнинг очилиши, олий таълим муассасаларига қабул квоталарининг оширилиши мазкур йўналишдаги муҳим ислохотлар ҳисобланади [1].

Бундай шароитда республика олий таълим муассасаларида мутахассислар тайёрлашнинг ҳозирги ҳолати қандай, Ўзбекистонда жаҳон стандартларига мос келадиган рақобатбардош кадрлар тайёрланишнинг ёки йўқ, деган саволлар туғилиши табиий. Бу саволларга жа-

воб бериш учун Жаҳон банкининг қўйидаги маълумотига этиборингизни қаратамиз: Ўзбекистондаги биронта олий таълим муассасаси жаҳондаги 500 та энг машҳур университетлар рўйхатига кира олмаган. Шу фактнинг ўзиёқ Ўзбекистондаги олий таълим муассасаларида чуқур касбий билимларга эга бўлган кадрлар тайёрлаш, уларнинг замонавий илмий тадқиқот ишлари билан шуғулланиши ва жамият тараққиёти учун хизмат қилиши юзасидан белгиланган асосий вазифалар бўйича ишларни ташкил қилиш, пировард натижада халқаро андозаларга мувофиқ олий таълим муассасаларини мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий ва илмий марказларига айлантириш масалалари ҳозиргача ҳал этилмаганлигидан далолат беради.

Бу масаланинг асосий сабабларини икки гуруҳга бўлиб ўрганиш лозим. Биринчи гуруҳ – бу олий таълим муассасаларига боғлиқ бўлмаган ва иккинчи гуруҳ бевосита уларнинг ўзларига боғлиқ сабаблардир.

Биринчи гуруҳ сабабларга қўйидагиларни мисол қилиш мумкин:

- олий таълим муассасаларининг ўқув-лаборатория базалари замон талабларига тўлиқ жавоб бермайди, улардаги аксарият жиҳозлар, қурилма ва асбоблар эскирган, мавжудлари эса замонавий технологияларга тўлалигича мос келмайди (замонавий асбоб-ускуналарни давлат олий таълим муассасалари ўзларининг маблағлари ҳисобига харид қила олмайди) ёки музей экспонатларига ўхшаб ягона нусхада. Бунинг устига талабалар замонавий асбоб-ускуна ва жиҳозлар билан таъминланган корхона ва ташкилотларда ҳар хил сабабларга кўра тўлақонли амалиёт ўта олишмаяпти. Ваҳоланки, олий таълим муассасаларидаги лабораториялар ишлаб чиқаришдан энг камида 5-10 йил олдинда юриб, улар тегишли замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган бўлиши, яъни олий таълимни илгарига «тортувчи» ҳақиқий локомотив ролини бажариши керак. Бу ҳолат республика олий таълим муассасаларида таълим сифатининг паст даражада қолишига сабаб бўлмоқда;

- Ўзбекистон Республикасида 10 000 нафар

аҳолига тўғри келувчи талабалар сони ва Инсон тараққиёти индекси кўрсаткичлари яқин ўн йилликда Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатларининг ўртача кўрсаткичларидан анча паст. Ёшларни олий таълим муассасаларига қамраб олиш мустақиллик йилларида 17 фоиздан 9 фоизгача камайди (умумтаълим мактаблари, академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари битирувчиларига нисбатан). Бу эса МДХ мамлакатлари ичида энг паст кўрсаткичдир. Масалан, ушбу кўрсаткич Россия Федерациясида 74 фоиз, Жанубий Кореяда эса 96 фоизни ташкил этади. Натижада битирувчиларнинг ишга жойлашишида реал рақобат йўқ. Бундай шароитда иш берувчилар битирувчиларни танлов асосида эмас, балки фақат дипломи бўйича ишга олишга мажбур бўлмоқда;

- олий таълим муассасаларига ўқишга кирган аксарият талабаларнинг билим олишга бўлган лаёқати паст. Бу кўпроқ олий таълим муассасаларидаги абитуриентлар қабули билан боғлиқ. Уларда мавжуд қабул жараёни таниш-билишлик, қариндош-уруғчилик, айрим мансабдор шахсларнинг ўз мансаб-лавозимларини суистеъмол қилишлари, коррупция билан боғлиқ ҳамда тизим ҳақиқий билим ва иқтидорга эга ёшларни танлаб олишга йўл қўймай келаётган эди. Бу ноҳақлик ва суистеъмолликлар олий таълим муассасаларида абитуриентлар ҳужжатларини қабул қилишдан бошланиб, унда маълум бир таълим йўналишларига фақат таниш-билишлардан ҳужжат олиб, шу йўналишларда сунъий равишда танловни пасайтириш, кейинчалик тест жараёнига жалб этилган айрим назоратчиларнинг (мактаб ўқитувчиларининг) кировчилардан пул йиғиб, уларга «комфорт» шароитлар яратиш, яъни “шпаргалка” ва мобиль телефонлар ҳамда бошқа ахборот-коммуникацион воситаларидан бемалол фойдаланишларига йўл қўйиб бериш, аксарият олий таълим муассасаларида «бункер»ларнинг мавжудлиги, тест ўтказишга масъулларнинг (Давлат тест маркази, олий таълим муассасалари, ҳокимиятлар) масъулиятсизликлари билан боғлиқ. Оқибатда билимли ва иқтидорли

ёшлар олий таълим муассасаларига кира олмайди, эгри йўллар билан ўқишга кирган талабалар эса билим эмас, диплом олишга кўпроқ қизиқишлари кузатиб келинди. Бу, ўз навбатида, олий таълим муассасалари раҳбарлари ва профессор-ўқитувчилари ўртасида ўзи бўларчилик, лоқайдлик, порахўрлик каби иллатларнинг кенг тарқалишига олиб келди. Бу салбий ҳолатларга 2018/2019 йил қабулида чек қўйилди;

- тест синовлари жуда тўғри, одилана ўтган тақдирда ҳам олий таълим муассасаларига кириш тест саволлари кўп ҳолатларда абитуриентнинг мантиқий фикрлаш қобилиятини аниқлаш имконини бермайди [1]. Чунки тестларда, асосан, саналарга оид саволлар кўп, тестларни ечишда абитуриентларнинг мантиқий фикрлашлари эмас, балки кўпроқ хотирасининг кучли эканлиги билан боғлиқ бўлаётганлиги иқтидорли ёшларни олий таълим муассасаларига қабул қилишда муаммолар келтириб чиқармоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сонли қарорининг ижроси юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази томонидан бу жабҳада айрим ижобий ишлар қилинди, бир нечта хорижий мамлакатлар тажрибаси ўрганилди, тестлар базаси қайта кўриб чиқилди, тестлар олий таълим муассасаларидан ташқарида, уларга тегишли бўлмаган биноларда 15 кун давомида ўтказиладиган, уларнинг натижалари эса тест ўтказилган куннинг эртасига эълон қилинадиган бўлди. Аммо тестларни мазмун жиҳатидан янгилаш перманент жараён бўлиб, бу тестлар базасини доимий, узлуксиз равишда янгилаб боришни талаб этади. Шу сабабларга кўра, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази томонидан бу жабҳада қилинган ишларни биринчи қадамлар дейиш мумкин;

- профессор-ўқитувчиларнинг фаолияти, билими ва педагогик кўникмасини баҳолашнинг замонавий тизими мавжуд эмаслиги таълим сифатига салбий таъсир кўрсатмоқда [1]. Бу борада назорат органлари томонидан ўтказиладиган раҳбарлар ва

профессор-ўқитувчилар аттестацияси ҳам, «Олий таълим муассасаларига педагог ходимларни танлов асосида ишга қабул қилиш тўғрисида»ги низом ҳам (бунда аксар ҳолларда ҳеч қандай танлов йўқ), йил якунлари бўйича ўтказиладиган ҳар хил рейтинглар ҳам кутилган самара бермаяпти;

- олий таълим муассасаларидаги таълим жараёни устидан самарали жамоатчилик назорати ўрнатилмаганлиги ушбу соҳада кўплаб муаммолар, энг аввало, коррупция ҳолатлари сақланиб қолишига сабаб бўлмоқда [1];

- олий таълим муассасалари инновацион ва технологик ғоялар билан фикр алмашадиган мулоқот марказларига айланмаган, тегишли соҳаларда мавжуд муаммо ва камчиликларни тизимли ўрганиш, таҳлил қилиш ва уларнинг ечими бўйича таклиф киритиш борасида профессор-ўқитувчилар, ёш олимлар ва талабаларнинг ташаббус кўрсатишлари учун зарур шарт-шароитлар яратилмаган [1];

- республикада жаҳонда тан олинган таълим стандартлари чуқур ўрганилмаган, уларни чуқур таҳлил қилган ҳолда ижобий томонларини олиб, давлат таълим стандартлари ишлаб чиқилмаган ва амалиётга жорий этилмаган. Натижада аксарият битирувчиларнинг эгаллаган билим, малака ва кўникмалари жаҳонда тан олинган таълим стандартларига жавоб бермайди, жумладан, битирувчиларнинг хорижий компания, ташкилот ва фирмаларга ишга жойлашиши кўрсаткичи паст;

- олий таълим тизимида ўқитишни ташкил этиш жараёни, таълим олаётган талабалар билимини баҳолаш тизими бугунги кун талабаларига жавоб бермаяпти [1]. Республикада жорий этилган давлат таълим стандартларида фанлар сони ниҳоятда кўп. Бу эса талабалар билимини баҳолашнинг амалдаги рейтинг тизими яхши ишламаслигининг асосий сабабларидан биридир. Талабалар билими ҳаққоний баҳоланмаса, уларда ўқишга қизиқиш бўлмайди (қизиқиш сўнади), профессор-ўқитувчилар ва талабалар ўртасида носоғлом муҳит пайдо бўлади. Шунинг учун талабалар билимини баҳолаш услубини тамоман ўзгартириш керак. Бунда республикада фаолият кўрсатаётган хорижий олий таълим муассасалари филиаллари-

нинг талабалар билимини баҳолаш тажрибасидан кенг фойдаланиш зарур. Тошкент Халқаро Вестминстер университети, Сингапур менежментни ривожлантириш институти, Тошкентдаги Турин политехника университети каби олий таълим муассасалари тажрибасидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сонли қарори ижроси юзасидан 2018 йил 9 августда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг «Олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолаш тизими тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 19-2018-сон буйруғи қабул қилинди (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 26 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3069). Бунда асосий эътибор, қарорда эътироф этилганидек, таълим йўналишларининг ўзига хос жиҳатларини инобатга олган ҳолда талабалар билимини баҳолашнинг замонавий, шаффоф ва адолатли (автоматлаштирилган, портфолио, тест синовлари, ижодий иш, антиплагиат ва ҳ.к.) усуллари, шу жумладан, муайян фандан дарс берган педагогнинг якуний назорат жараёнларидаги иштирокини истисно этадиган тизимни жорий этишга қаратилиши назарда тутилган.

Низом 2018/2019 ўқув йилидан бошлаб республиканинг олий таълим муассасалари 1-курс талабалари учун жорий этилди. Ушбу низомнинг кейинги йилларда босқичма-босқич бошқа курслар учун жорий этилиши белгиланган. Бу низомда талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолашда қатор янгиликлар киритилган. Жумладан:

5. Олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш оралиқ ва якуний назорат турларини ўтказиш орқали амалга оширилади.

17. Талабалар билимини баҳолаш 5 баллик тизимда амалга оширилади.

18. Оралиқ назорат турини ўтказиш ва мазкур назорат тури бўйича талабанинг билимини баҳолаш тегишли фан бўйича ўқув машғулотларини олиб борган профессор-ўқитувчи томонидан амалга оширилади.



Якуний назорат турини ўтказиш ва мазкур назорат тури бўйича талабанинг билимини баҳолаш ўқув машғулотларини олиб бормаган профессор-ўқитувчи томонидан амалга оширилади.

Тегишли фан бўйича ўқув машғулотларини олиб борган профессор-ўқитувчининг якуний назорат турини ўтказишда иштирок этиши тақиқланади.

Якуний назорат турини ўтказишда келишув асосида бошқа олий таълим муассасаларининг тегишли фан бўйича профессор-ўқитувчилари жалб қилиниши мумкин, дейилган [2].

Яъни бу низомда жорий назорат турининг йўқлиги, тегишли фан бўйича ўқув машғулотларини олиб борган профессор-ўқитувчи якуний назорат турини ўтказишда иштирок этиши тақиқланиши, якуний назорат турини ўтказишда келишув асосида бошқа олий таълим муассасаларининг тегишли фан бўйича профессор-ўқитувчилари жалб қилиниши мумкинлиги белгиланган. Буларни ижобий ҳолатлар сифатида баҳолаш керак. Лекин шу ўринда бу тизим талабаларнинг билимини баҳолашда ҳақиқий «тарози» бўла оладими, баҳолашда очиқлик ва шаффофликни таъминлайдими, деган саволлар туғилиши табиий. Буни, албатта, вақт кўрсатади.

Бироқ ушбу низомда шундай бандлар ҳам борки, булар унинг самарали ишлашига олдиндан шўҳба туғдиради. Буларга оралиқ назорат турини ўтказиш ва мазкур назорат тури бўйича талабанинг билимини баҳолаш тегишли фан бўйича ўқув машғулотларини олиб борган профессор-ўқитувчи, якуний назорат эса айнан шу кафедранинг бошқа бир профессор-ўқитувчиси томонидан амалга оширилиши, олий таълим муассасаси ва кафедра йўналишидан келиб чиқиб, аксарият ҳолларда уларнинг республикада ягона эканлигини кўрсатиш мумкин. Яъни оралиқ назоратда ҳам, якуний назоратда ҳам профессор-ўқитувчи билан талаба орасида норасмий «контакт» сақланиб қолади. Якуний назоратни ўтказадиган профессор-ўқитувчилар эса, асосан, битта кафедранинг профессор-ўқитувчилари бўлишади. Бу каби ҳолатлар сўнгги 50-60 йил давомида шаклланиб, йил

дан-йилга авж олди.

Бевосита олий таълим муассасаларига боғлиқ бўлган омиллар қуйидагилардан иборат:

- ҳозирда олий таълим муассасалари битирувчиларидан фақатгина умумқасбий, мутахассислик, илмий-техникавий, назарий-амалий билимларни эгаллаш, яъни битирувчи-талабаларга шу билимларни беришигина эмас, балки улардан мустақил фикрлаш, тўғри ва тезкор қарорлар қабул қилиш ҳам талаб этилади. Талабаларни ўқитишда мустақил таълим ҳажмини кўпайтирган ҳолда уларда тезкор фикрлаш ва адекват қарор қабул қилиш каби чуқур билим, малака ва кўникмаларни шакллантириш лозим. Таъкидлаш лозимки, ривожланган мамлакатлар олий таълим муассасаларида жорий этилган таълим стандартларида мустақил таълимга ўқув юкмаси умумий ҳажмининг камида 2/3 қисми, Ўзбекистонда жорий этилган давлат таълим стандартларида эса камида 1/3 қисми ажратилиши кўзда тутилган. Шу сабабларга кўра, республика олий таълим муассасаларининг аксарият битирувчилари жаҳондаги кўплаб ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар олий таълим муассасалари битирувчилари билан рақобат қила олишмаяпти;

- корхона ва ташкилотлар олий таълим муассасаларининг интеллектуал мулки – профессор-ўқитувчиларнинг илмий-педагогик салоҳияти, билим ва тажрибаси, маслаҳатчилик ва касбий қайта тайёрлаш хизматларидан самарали фойдаланмаяпти, яъни олий таълим муассасаси ўз йўлига, корхона ва ташкилотлар ўз йўлига, деган принципда иш тутилмоқда. Натижада олий таълим муассасаларида узоқ йиллар давомида йиғилган (фан номзоди бўлиш учун ўртача 10 йил, фан доктори бўлиш учун эса камида 20 йил вақт сарфланади) жуда бой касбий билим, малака, кўникмалар, асосан, олий таълим муассасасидан ташқарига чиқмаяпти;

- олий таълим муассасаларида фаолият кўрсатаётган илмий даражали ва илмий унвонли профессор-ўқитувчилар сони ва салмоғи сўнгги 5 йилда камайиб кетди. Бу, биринчи навбатда, олий малакали илмий ва илмий-педа-

гогик кадрлар тайёрлаш тизимида ўтказилган ислохотлар билан боғлиқ. Натижада олий таълим муассасаларида ўқув машғулотларини олиб боришда юқори малакага, илмий даража ва унвонга эга бўлмаган ўқитувчилар ҳам талабаларга дарс бермоқда;

- олий таълим муассасаларида барча илмий даражали ва илмий унвонли профессор-ўқитувчилар ҳам илм-фан билан шуғулланишмайди, фан докторларининг барчаси олий малакали илмий ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлашда иштирок этишмайди. Бу ҳолатни қисман фан докторларининг ёшлари улғайганликлари (ўртача 70 ёш атрофида ва ундан юқори) билан ҳам изоҳлаш мумкин. Кафедраларда илмий-тадқиқот ишлари натижалари бўйича монографиялар, илмий мақолалар нашр этиш, ихтиролар яратиш, амалиётга татбиқ этиш фаолиятини қониқарли деб бўлмайди. Айрим педагоглар учун асосий мақсад – фан номзоди ёки фан доктори дипломини олиш бўлиб қолган;

- олий таълим муассасаларида ўриндошлик асосида фаолият юритаётган вазирлик, корхона ва ташкилотларнинг юқори малакали, тажрибали раҳбар ва ходимлари йўқ ҳисоби;

- талабалар илмий-тадқиқот ишларига жалб этилмаётгани ёки жалб этилганлар салмоғи жуда паст;

- олий таълим муассасаларида таянч докторантура ва докторантура орқали олий малакали илмий ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш фаолияти суст. Таянч докторантурани тугатган тадқиқотчилардан 10 фоизга яқини диссертацияларини ўз муддатида ҳимоя қилади. Бу жараёнлар ҳар хил бюрократик тўсиқ ва сансалорликлар билан боғлиқ. Бу эса ёшларни илмий тадиқот ишларидан бездирмоқда ва олий таълим муассасаларида илмий тадиқот ишларининг самарали олиб борилишига тўсқинлик қилмоқда.

Бу борада республика босқичида кенг қўламли ислохотлар ўтказиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз. Бунда олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари қошидаги илмий кенгашлар фаолиятини кенгайтириш, уларга кўпроқ мустақиллик бериш керак. Бунда илмий кенгашлар раислари, раис

ўринбосарлари, илмий котибларини доимий (Низомда белгиланган муддатга) тайинлаш, илмий кенгаш аъзоларини эса тадқиқотчи ҳимоя қилаётган мавзудан келиб чиқиб, ҳар бир ҳимоя учун бир марталик тайинлаш, республикада шу мавзуда ишлаётган олим ва мутахассисларни жалб этиш зарур. Чунки ҳозирда илмий кенгаш аъзоларининг аксарияти диссертация мавзусига алоқаси бўлмаган олимлардан иборат бўлиб қолмоқда. Агар тадқиқотчи ўз диссертациясини бир марталик илмий кенгашда муваффақиятли ҳимоя қилса, унинг шу мажлисида тадқиқотчига тегишли диплом ёзиб бериш керак. Диссертация ҳимояси давомида ёки у билан боғлиқ бўлган форс-мажор ҳолатларда (плагиат ҳолатлар, тадқиқотчига диссертацияни кимдир ёзиб бериши ва бошқа) диплом ёзилмасдан, ОАК томонидан комиссия тузилади. Комиссия диссертация иши юзасидан келиб чиққан муаммага ойдинлик киритиши ва унга охириги нуқта қўйиши зарур;

- республика олий таълим муассасаларида мутахассислик фанларидан замон талабларига тўла жавоб берадиган адабиётлар билан таъминланганлик аҳволи ҳам талаб даражасида эмас. Холис бўлиш учун ушбу муаммони иккига бўлиб ўрганиш керак. Биринчиси – замон талабларига жавоб берадиган адабиётлар яратиш; иккинчиси – шу адабиётларни нашр этиш. Яратилган адабиётларни нашр этиш масаласида жуда катта муаммолар йўқ. Бунда асосий муаммо – керакли ва замонавий адабиётларни яратиш. Кафедраларда дарслик ва ўқув қўлланмалар ёзиш ва нашр этиш фаолияти бўш. Ёши улдуғ, юксак касбий тайёргарликка эга бўлган профессор-ўқитувчиларнинг чет тилларини, асосан, инглиз тилини яхши билмасликлари сабабли шу тилда яратилган ғарб адабиётларининг таржима қилинган нусхаси етиб келгунча 10-15 йил вақт ўтиб кетмоқда, натижада улар маънан эскирмоқда;

- олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари замонавий педагогик ва ахборот технологиялари бўйича ўз малакаларини узлуксиз равишда ошириб боришади. Бироқ ўқув жараёнида янги педагогик ва ахборот технологияларини қўллаш фаоли-

яти суст, аксарият машғулотлар ҳамон эски услубда, кўргазмали воситаларсиз, ахборот технологиялари ва тарқатма материалларсиз олиб борилмоқда;

- аксарият ҳолларда олий таълим муассасалари билан иш берувчилар ўртасида ўзаро манфаатли ҳамкорлик йўлга қўйилмаганлиги учун битирувчилар бажараётган битирув ишлари ва магистрлик диссертациялари истеъмолчилар таклиф этган мавзуларда бажарилмайди. Талабалар ёппасига битирув ишлари ва магистрлик диссертацияларини бажарганликлари учун уларга ассистентлар раҳбарлик қилиш ҳоллари мавжуд. Шу ўринда битирув ишларини бажаришдаги такрорланишлар (битирув ишлари ва магистрлик диссертациялари мавзулари 3 йилда янгиланиши зарур), кўчирмачилик, профессор-ўқитувчилар томонидан талабаларга битирув ишларини ёзиб бериш, коррупция ҳолатлари тўғрисида ҳам алоҳида гапириш зарур. Битирув ишларига, ҳақиқатан ҳам, ижодий иш сифатида қараш, уни лаёқатли, иқтидорли ва аълочи талабаларга (ҳар бир таълим йўналишида 10-15 фоиз атрофида) рағбатлантириш сифатида бериш зарур. Ёппасига битирув ишини бажариш амалиётидан воз кечиш керак. Битирув ишини бажармаган талабалар 2-3 та мутахассислик фанларидан давлат имтиҳонлари топшириш амалиётига ўтиш лозим. Бу айтилган фикрлар 1 йиллик (ишлаб чиқариш бўйича) магистрлик диссертацияларига ҳам тааллуқли.

Шу ўринда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сонли қароридан:

- битирувчиларнинг иқтидори ва хоҳиш-истакларини инобатга олган ҳолда якуний давлат аттестациясини мутахассислик фанларидан (фанлараро) имтиҳон ёки битирув-малакавий ишини ҳимоя қилиш шаклларида ўтказишни ташкил этиш;

- айрим битирув-малакавий ишларини ишлаб чиқариш жойларида ҳимоя қилиш тизимини кучайтириш механизмларини ишлаб чиқиш;

- якуний давлат аттестацияси комиссияларининг таркибига мутахассис тайёрловчи олий таълим муассасасининг педагог кадрла-

ри билан бирга кадрлар буюртмачиларини ҳам киритиш амалиётини яратиш масалалари қўйилганлигини ҳам эслатиш зарур;

- ўтган асрларда билимларнинг эскириши юз йилдан 50-20 йилга қисқарганлиги, ҳозирги шароитда уларнинг ҳаётгий даври 3-5 йилдан ошмаётганлиги эътиборга олинса, ҳозирги замонавий инновацион иқтисодиёт шароитида «умрга етадиган таълим» концепциясидан «ҳаёт давомида таълим» («бешиқдан қабргача илм изла») концепциясига ўтиш зарурати мавжуд. Бу профессор-ўқитувчиларни мунтазам ўқитиш, қайта тайёрлаш ва малакаларини узлуксиз ошириш муаммосини кун тартибига қўяди;

- мамлакатимизда умумтаълим мактаблари, академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари ва олий таълим муассасаларида айрим фанлар (мавзулар) такрор ўқитилмоқда. Бу ҳолат ўқувчи ва талабаларнинг зерикаши, таълим иштирокчиларининг ортиқча вақт сарфлашига сабаб бўлмоқда. Айниқса, такрорланишлар бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларидаги айрим фанларда тез-тез учрайди. Шу сабабли умумий ўрта таълим, касб-ҳунар таълими ва олий таълимдаги ўқитиладиган фанларни танқидий ўрганиб, такрорланадиган фанларни олий таълимдан чиқариб ташлаш керак. Бу фикр Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сонли қарорининг 1-банди, яъни алоҳида таълим йўналишлари бўйича ўқиш муддати камида уч йил бўлган бакалаврият ҳамда камида бир йил бўлган магистратура-ни жорий этиш банди ижросини таъминлашда айна муддао бўлиши, шуҳбасиздир [1];

- олий таълим, фан ва ишлаб чиқариш ўртасида ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқалари яхши йўлга қўйилмаган, олий таълим муассасаси билан корхона ва ташкилотлар ўртасида тузилган шартнома шартлари кўп ҳолларда бажарилмаяпти, натижада талабаларнинг амалиёт ўтказиш сифати талаб даражасида эмас, айрим ҳудудларда эса умуман йўлга қўйилмаган, улар асосан, назарий билимлар билан чекланиб қолишмоқда. Амалиёт кўникмаларини эса корхона ва ташкилотларга ишга жойлашгандан кейин олмоқдалар.

*Манба ва адабиётлар*

---

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 июндаги «Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокчини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-3775-сонли қарори.

2. Олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолаш тизими тўғрисида Низом (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2018 йил 9 августда 19-2018-сон буйруғи билан тасдиқланган, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2018 йил 26 сентябрда рўйхатдан ўтказилган, рўйхат рақами 3069).

---

**Тақризчи:**

Сулаймонов А.П., п.ф.н., ТошАҚИ «Тасвирий санъат» кафедраси доценти,  
«Филология, психология ва педагогика фанлари» ИТК аъзоси